

ТУЛУНИЙЛАР (868-905): МИСРДАГИ ТУРКИЙЛАР ДАВЛАТИ

Рахматхонов Аюбхон Жаҳонгир ўғли
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Тарих(ислом тарихи ва манбашунослиги)
йўналиши 2-курс талабаси

Аннотация: Мақолада Аббосийлар халифалигида IX аср иккинчи ярмидаги сиёсий вазият таҳлил қилинган. 868-йилда Мисрда Аббосийлар халифалигидан мустақил Тулунийлар сулоласи ва давлатига асос солган асли бухоролик Аҳмад ибн Тулун, унинг фаолияти, у тузган давлат ҳақида маълумотлар келтириб ўтилган. Тулунийлар давлати тарихи фактлар билан очиб берилган.

Калит сўзлар: “заиф халифалар асри”, Миср, Тулунийлар, Аҳмад ибн Тулун, Самарро, ал-Қатаи, Хумаровайх, ал-бемористон, нилометр.

Ислом тарихида IX асрнинг иккинчи ярми “заиф халифалар асри”нинг бошланиши ҳисобланади. Бу давр 247/861-656/1258 йилларда 400 йилдан кўпроқ давом этган. Аббосийлар халифалигида ички зиддиятлар кучайиши, қўзғолонларнинг кўпайиши, халифаларнинг араблардан бўлган ҳокимларга нисбатан ишончсизлиги, оқибатда юқори элита орасида форс ва туркий қавмлардан бўлган кўмондонлар ва волийларнинг кўпайиши бу даврнинг характерли жиҳати ҳисобланади. З.Арипованинг таъкидлашича, халифа Маъмун(813-833) ва халифа Муътасим(833-842) даврдан бошлаб туркий қуллар хизматидан ҳарбий ва маъмурий ишларда фойдаланила бошланган[2;11]. Халифалик заифлашиб қолган бир вазиятда туркий қабила вакиллари орасидан етук кўмондонлар чиқиб, халифаликдан мустақил давлатлар тузганлар. Шундай давлатлардан бири Мисрдаги Тулунийлар давлати(الطول و ذية الدولة) ҳисобланади.

Тулунийлар давлатига асли бухоролик бўлган Аҳмад ибн Тулун(835-884) асос солган. Унинг отаси Тулунни Сомоний хукмдорлардан Нуҳ ибн Асад халифа Маъмунга 816-йилда совға қилиб юборган. Тулун халифа саройида 20 йил сарой кўрикчилари бошлиғи бўлиб фаолият юритган. К.Э.Босворт фикрича, “Тулун” сўзи туркча “долун - тўлин [ой]” маъносини англатади[3;74]. Аҳмад ибн Тулун 220/835-йилда Бағдодда туғилган[1;33]. Халифа Муътасим турк ғуломлари учун Самарро деган шаҳар қурдириб, ўзи ҳам лашкарлари билан шу ерга кўчиб ўтган[6;124]. Барча турк ғуломлари шу ерда ҳарбий таълим олиб, турли ҳарбий лавозимларга тайинланар

эди. Шу сабабли Аҳмад ибн Тулун ҳам Самаррода ҳарбий таълим, Гарсусда эса диний таълим олади[2;11].

854-йилда халифа Жаъфар Мутаваккил(847-861) Мисрга Бойкабак исмли турк кишини амир қилган[6;183]. У пайтларда волийлар ўзи марказий ҳокимиятга яқин жойда бўлар ва ноибини ўзининг ўрнига ишларни бошқариш учун юборган. Бойкабак ҳам зукко ҳамда ақлли Аҳмад ибн Тулунни ўзига ноиб қилиб олиб, уни Мисрга юборган эди. Мисрда турли соҳаларга масъул бир қанча юқори мартабали элита шаклланганди. Александрия(Искандария) вилоятини Исҳоқ ибн Динор, Барқа вилояти ва Ливияни эса Аҳмад ибн Исо ас-Саидий бошқарган. Давлат суд бошқармасига Бакр ибн Қутайба, почта хизмати(барид) ва халифа ҳукумати билан ёзишмалар девонига Шукайр ал-Ходим раҳбарлик қилган[1;42-43]. 861-йилдан Мисрнинг ўлпон ишларига Аҳмад ибн ал-Мудаббир масъул бўлган. Демак, бу пайтда Ибн Тулуннинг ҳукмронлик ваколати фақат Фустот шаҳри (Эски Қоҳира) билан чегараланган бўлса, бошқа шаҳарлар бошқаруви ва асосий лавозимлар ҳамон зикр этилган шахслар қўлида эди. Ундан ташқари ибн Тулун “қўшин ва жума намози нозири” (“волий ал-жайш вал-салот”) унвонига эга ҳисобланган[7;92]. Аҳмад ибн Тулун 868-йилда Мисрда ҳокимиятни ўз қўлига олиб, Миср тарихидаги халифаликдан мустақил илк давлатни тузган. Шундай бўлса-да, Бойкабак ҳамон Миср волийи эди. 870-йилда у ўлдирилгач, Яржух Мисрга волий этиб тайиланади. Бироқ, Яржух Ибн Тулуннинг ҳокимиятини тан олиб, унга Миср, Искандария ва Барқани мустақил бошқариш ваколатини берган. Бу пайтда Аҳмад учун Мисрдаги энг хавфли шахс бу ал-Мудаббир бўлиб, Мисрнинг барча аҳолиси ундан норози эди. Бунга унинг солиқларни 2 баробар ошириб, янгиларини жорий қилгани сабаб бўлган. 871-йилда Ибн Тулун ал-Мудаббирни Сурияга кўчирилиб юборилишига эришган[2;11]. 872-йилда Яржухнинг вафотидан кейин, халифалик ибн Тулунга бутун Мисрни бошқариш ёрлиғини беришга мажбур бўлган ва шу йилдан бошлаб Аҳмад ибн Тулун халифаликдан де-факто мустақил бўлган. Халифалик марказининг Аҳмад ҳокимиятини ҳақиқий деб тан олишга мажбур қилган яна бир қанча сабаблар ҳам бор эди: биринчидан, Аҳмаднинг катта қўшини мавжуд эди. Бу қўшин асосини туркий ва қора танли куллар ташкил этган бўлиб, унинг ёрдами билан Аҳмад ибн Тулун 877-йилда Сурияни осонлик билан эгаллаган. Аҳмад ибн Тулуннинг ёлланма қўшин тузишига Фаластиндаги маҳаллий ҳокимлардан бири Исо ибн Шайх аш-Шайбоний кўзғолон қилиб, Мисрдан келаётган савдо карволарини талаб, Дамашққа таҳдид қилгани сабаб бўлган. Иккинчидан, ибн Тулун халифага Форс кўрфазида тобора кучайиб бораётган Зинжийлар билан кураш учун 1 миллион 200 минг динор маблағ юборган. Учинчидан ибн Тулуннинг бутун Мисрдаги обрўси баланд эди.

Аҳмад ибн Тулун мамлакат бошқарувини қўлга олгач, солиқ, ирригация соҳаларида катта ислохотларни амалга оширган. Ирригация соҳасида амалга оширган энг катта ишларидан бири буюк ватандошимиз Аҳмад ал-Фарғонийни Мисрга таклиф қилиб, ар-Рауда оролида “Нилометр” иншоотини қурдирган. Солиқ соҳасида эса Миср аҳолисидан йиғилиб, Бағдодга юбориладиган катта миқдордаги маблағларни мамлакатда олиб қолишга эришган. 877/878-йилда Сурияни ишғол этгач, халифа исми ёнига ўз исмини ёздириб, динор зарб эттирган.

Аҳмад ибн Тулун 884-йилда Макка устига юриши вақтида вабога чалиниб, вафот этган[4;62]. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Аҳмад ибн Тулун касалланганда, бутун Миср аҳолиси: мусулмон, яҳудий ва насронийлар Аллоҳдан унинг соғайиб кетишини сўраб дуо қилишган. Аҳмад ибн Тулун 884-йил 10-май куни вафот этган ва ал-Муқаттам тепалиги этагига дафн этилган. Тадқиқотларда келтирилишича, Аҳмад ибн Тулун вафот этганда, ундан 24000 ғулум(турк кул аскарлари), 7000 маволий (озод қилинган куллар), 7000 от, 3000 туя, 1000 эшак, 350 зотдор от ва 200 та тўлик жиҳозланган ҳарбий кема, хазинада 10 миллион динорга яқин маблағ мерос қолган[8;32].

Аҳмад ибн Тулун вафот этгач, ўғли Ҳумаровайх отаси ўрнига Миср амири бўлган. Ҳумаровайх ўзининг Қатр ун-Нада исмли қизини халифа ал-Муътадидга турмушга берган. 896-йилда Ҳумаровайхга суиқасд уюштирилиб, у ўлдирилгач, давлат инқорозга юз тутта бошлаган. Ҳумаровайхдан кейин ўғли Жайш бир неча ой давлатни бошқарган, лекин у ичкиликка ружу қўйгани учун давлат янада таназзулга юз туттади. Унинг вафотидан сўнг, ҳукмронлик укаси Ҳорун(896-904)га ўтган. Ҳорун бир қанча кўзғолонларни бостирганига қарамай, қарматийларга қарши курашда ожизлик қилган. Энг яхши қўмондонлар ҳам халифа Муътадиднинг олиб бораётган сиёсати боис унинг қўшинига ўтиб кетган. 904-йилда Ҳорун ибн Ҳумаровайх икки амакиси Али ва Шайбон томонидан ўлдирилган. Ички низолар, ҳокимият таллашишлар авжига чиққан, малкат заифлашиб, аҳоли урушлардан чарчаган эди. Шундай вазиятда, 905-йил январда халифа қўшини саркардаси Муҳаммад ибн Сулаймон Котиб Фустотни эгаллаб, Миср ва Сурияни яна халифалик таркибига қайтарган.

Тулунийлар давлатида маданият юксалган. Бошланғич диний мактабларда болаларга Қуръон карим ва ҳадис илмлари ўргатилган. Мисрда янги шаҳарлар қурилган. Аҳмад ибн Тулун Фустот шаҳри шимолидаги ал-Аскар шаҳридан шимолроқда 870-йилдан янги шаҳар қурдирган ва шаҳарга ал-Қатаи(квартал) номи берилган. Шаҳарда 872/873-йилда бепул хизмат кўрсатувчи шифохона(ал-бемористон) ҳам қурдирган. Фустотнинг ўзи эса 642-йилда Мисрга илк қадам қўйган мусулмон саркардаси Амр ибн Осс томонидан қурдирилган эди[5;60]. Кейинчалик,

Фустот, ал-Аскар ва ал-Қатаи бирлашиб ҳозирги Қоҳирани вужудга келишига замин бўлган[4;61]. Ал-Қатаи шаҳри Самарро шаҳрига муқобил ўлароқ, ҳарбий аскарлар учун қурдирилган. Шаҳар марказида “Жабал яшкур”(“Шукроналик тепалиги”) номли тепалиқда Аҳмад ибн Тулун номи билан 878-879-йилларда масжид қурилган[2;12]. Масжид саҳнининг ўртасида фаввора бўлиб, ўнта мармар устун билан мустаҳкамланган зарҳал гумбаз билан қопланган ва унинг атрофида 16 та мармар устун, гумбаз остида диаметри 4 тирсак бўлган катта мармар ҳовуз бор. Аҳмад ибн Тулун масжиди ҳозирги кунга қадар деярли ўзгаришсиз сақланиб қолган энг қадимги масжидлардан бири ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, Тулунийлар давлати(868-905) ўзининг 37 йиллик қисқа фаолияти даврида юксак маданият қолдирган Шу сабабли кўпчилик тарихчилар бу даврни Мисрнинг ўрта аср тарихидаги “Олтин давр” деб тан олган. Тулунийлар даврида ўтказилган бир қанча ислохотлар Миср аҳолиси фаровонлигини ошириб, иқтисодий сизиларли даражада олдинга силжитган[3;74-75]. Тулунийлар даври ёдгорликлари, жумладан Нил дарёси сатҳини ўлчаш учун қурилган “Нилометр” иншооти, Аҳмад ибн Тулун масжиди бу давлат қудратидан далолат берувчи ноёб таърихий артефактлар ҳисобланади. Ундан ташқари тадқиқотлардан маълум бўлади-ки, ушбу давлат Шимолий Африкада туркий сулола томонидан асос солинган биринчи давлат ҳисобланади. Тулунийлар давлати тарихини ўрганиш юртимиз Мовароуннахр тарихи билан бевосита боғлиқлиги бу борадаги тадқиқотлар аҳамиятини янада оширади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Мадиний ал-Балавий. Сийрату Аҳмад ибн Тулун./ Муҳаммад Кард Алий таҳқиқи. –Дамашк: Мактабат ал-аробийя, 1939. –324 б.
2. Арипова З. Мисрнинг бухоролик ҳукмдори. “Имом Бухорий сабоқлари” журнали. 4-сон, 2023. 11-13-б.
3. Босворт К. Э. Мусульманские династии. Справочник по хронологии и генеалогии/Пер. с англ. П.А.Грязневича. –М.: Наука, 1971. –324 стр.
4. Зеленев И.А. Египет. Средние века. Новое время. –СПб., 1999. – 340 стр.
5. Раҳматхонов А., Зинатуллаев З. Мисрга Ислом таълимотининг кириб келиши. “Миллий ривожланишдан юксак тамаддун сари”. Ёш олимлар илмий-амалий тўплами материаллари, 2024. – 68-71-б.

6. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ислом тарихи(2-жуз). –Т.:“Hilol-nashr”, 2021. – 544 б.
7. Bianquis, T(1998). Autonomous Egypt from Ibn Tulun to Kafur, 868-969. In Petry, Carl F.(ed.). The Cambridge History of Egypt, Volume 1: Islamic Egypt, 640-1517. pp 86-119.
8. Swelim, T(2015). Ibn Tulun: His Lost City and Great Mosque. Cairo: The American University in Cairo Press. – 305 p.